# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2013 йил Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 5-MART, SESHANBA, 27 (8108)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Марказлашган тартибда ипак қурти парвариш қилишга мўлжалланган янги бинода уруғликни жонлантиришдан тортиб пилла етиштиришгача бўлган жараёнлар узвий тарзда олиб борилади. Бир вақтнинг ўзида 50 қути ипак қурти парвариш қилишга шароит мавжуд. Мавсум давомида 3 бор ипак қурти парвариш қилинади ва "кумуш тола" етиштириш ҳажми янада ортади.

2



Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича "Сирдарё вилояти омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси"да ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

3



Чирчиқда "UZGUMI" умумий белгиси остида ишлаб чиқарилаётган "Гумимакс", "Эдагум СМ" сингари биологик ўғитларни қўллаш кимёвий минерал ўғитлар, шу жумладан, азотли ўғитлардан фойдаланишни 20-30 фоиз камайтириш, тупроқнинг донадорлигини, унумдорлигини ошириш, энг асосийси, харажатларни пасайтириб, сифатли маҳсулотлар етиштиришга катта имконият яратади.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 март куни Оқсаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди.*

Франция ташқи ишлар вазирининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон-Франция муносабатларини мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар бўйича изчил ривожланиб бораётган мулоқотнинг мантиқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашаётгани, ўзаро учрашувлар изчиллик касб этаётгани Францияда Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилишининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади. Ислом Каримов Франция Президенти Франсуа Олландга яқинда йўллаган самимий ва эзгу тилаклар, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истаги билдирилган мактуби учун миннатдорлик изҳор этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, хусусан, Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манфаатли юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Франция делегацияси таркибида қатор йирик компаниялар раҳбарлари ҳам ташриф буюрган.

Томонлар мазкур ташриф доирасида имзоланган Ўзаро англашув меморандумига мувофиқ мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Франция тараққиёт агентлиги йўналиши бўйича ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб муаммолар, аввало, Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган можарони тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, давлатлараро ва фуқаролик жамияти институтлари даражасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Лоран Фабиус самимий қабул ҳамда томонларни қизиқтирган кенг кўламли масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

**ЎзА**

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ



## Замонавий уйлар ва тафаккурдаги ўзгаришлар

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ ВА РАҲНАМОЛИГИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

Озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш – халқимизнинг олий мақсади. Давлатимиз раҳбари юрт ободлиги, авваламбор, халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, кўнгил ободлигидан бошланишини алоҳида таъкидлайди. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, ана шу кўнгил ободлиги самаралари – улкан янгиланишлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Бу – мамлакатимизнинг, халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг буюк ютуқларидандир. Бу ўзгаришларни қишлоқларимиз мисолида янада ёрқинроқ кўришимиз мумкин.

Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада минглаб қишлоқларимиз тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланди. Қишлоқларда барпо этилаётган замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, маиший хизмат, сервис ва савдо марказлари уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган изчил ислоҳотлар натижасида ўтган йиллар давомида кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, спорт иншоотлари бунёд этилди. Қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу ҳисобдан қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ жойларда замонавий уй-жой қурилиши, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, транспорт ва коммуникация хизматларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли комплекс ишлардан кўзланган мақсад қишлоқларимизда ҳаёт сифати ва яшаш маданиятини янги, янада юқори поғонага кўтаришдан иборат.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббусига кўра намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш ҳаракати қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий босқичидир. Бу бизнинг қишлоқ ҳақидаги тасаввуримизни, қарашларимизни, қишлоқ ва қишлоқ аҳлига бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартириб юборди.

– Мен қишлоқда, намунавий лойиҳа асосида қурилган замонавий уйда яшайман, деган кишига одамлар бошқача эътибор, ҳавас билан қарайди, – дейди Жиззах туманининг "Учтепа" массивида яшовчи меҳнат фахрийси Зикирилла Шукуриллаев. – Илгари иморат солиш учун ер участкаси ажратиш, қурувчи, уста ва қурилиш материалларини топиш ҳамда қурилиш жойигача келтириш билан боғлиқ даҳмазалар унча-мунча одамнинг тинкасини қуритар эди. Кўпчилик қариндош-уруғ, ошна-оғайниси ёрдамида тикланган уйнинг битта хонасини созлаб, кўчиб чиқар эди. Орадан йиллар ўтарди, болалар катта бўларди, аммо бу "янги" уйнинг ками асло битмасди. Ўйлаб қарасам, бир иморатни кўнгилдагидек уй қилиш учун бир йигитнинг умри кетаркан. Намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар узоғи билан 7-8 ойда қуриб битказилмоқда. Ҳамма шароит яратилган. Бугун қишлоқларимизда минглаб ана шундай уй-жойлар қурилмоқда. Замонавий қишлоқ қандай бўлиши кераклигини энди тушуниб етаяпмиз.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Куннинг муҳим воқеалари

► Фарғонада "Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Анжуманда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишда сенаторлар ва депутатлар фаолиятида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам қайд этилди ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

► **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди. Унда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Туркия дипломатлари иккинчи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари учинчи ўринни олди.**

► "Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон!" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган концерт ўтказилди. Концерт «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

► **Жалақудуқ туманида вилоят умумтаълим мактабларининг уч минг нафарга яқин 9-синф битирувчилари иштирокида фестиваль бўлиб ўтди. Тадбир доирасида тумандаги касб-ҳунар коллежлари томонидан мавжуд мутахассислик ва ихтисосликлар бўйича маълумотлар берувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.**

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

**Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.**

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ якка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўлаклар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпаяди.

2013-2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйиларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» ҳудудларга ҳар йили 15 миллионта манзарали ва 29,5 миллионта мевали дарахт, шунингдек, 10 миллионта бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича "Обод уйим" лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида 2013-2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шаҳарлар ҳамда маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатаётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Хоразм Вилояти

## «ТУЯМЎЙИН» ТАРИХИ МУЗЕЙИ

**Маълумки, ўтган асрда Питнак қирлари бошланадиган жойда Амударё жиловланиб, "Туямўйин" гидроузели қурилиб, ишга туширилган эди. Ушбу йирик сув омборининг қурилиши Питнак шаҳрининг бунёд қилиниши билан ҳамоҳангдир.**

Питнак шаҳрида ташкил этилган музей ана шу манзараларни тарихга муҳрлаш имкониятини яратди. Унда гидросаноат ва унинг узвий қисмларидан бири бўлган гидроэлектростанция барпо этилишининг турли босқичлари, мутахассислар ва ишчиларнинг жасоратли меҳнати кўринишлари, шунингдек, журналистлар, рассомларнинг ана шу улкан қурилишга бағишланган ижодий ишларидан намуналар ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

▼ «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ЙЎЛЛАР МАНЗИЛЛИ ДАСТУР АСОСИДА ТАЪМИРЛАНАДИ

**Таҳририятимизга Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Чашмаимирон қишлоғида яшовчи фуқаролар Бегмат Менглиев, Норпўлат Одинаев ва бошқалар мактуб йўллашиб, ёғингарчиликлар оқибатида қишлоқ йўллари бузилиб, таъмирталаб ҳолга келиб қолганлигидан шикоят қилишганди. Таҳририят томонидан ушбу шикоят хати Деҳқонобод тумани ҳокимлигига жўнатилганди. Унга туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Бобоев имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди.**

*"...Туман ободонлаштириш бошқармаси ва Деҳқонобод ЙХТПТФК томонидан шикоят хатида кўрсатилган "Бошчорбоғ – Деҳқонобод" йўллари ўрганилди, ушбу автомобиль йўли қисман таъмирланиб, автомобиль қатнови йўлга қўйилди.*

*54 километр узунликдаги "Деҳқонобод – Бошчорбоғ" автомобиль йўли Деҳқонобод ЙХТПТФК балансида, қолган қишлоқ йўллари туман Ободонлаштириш бошқармаси балансида бўлиб, ушбу йўлларни манзилли дастур асосида таъмирлаш бўйича таклифлар тайёрланмоқда".*

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилизация қилиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли ҳудудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари, мебель билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказиладиган «Меҳрдан яшнар кўнгил», «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», “Энг намунали оила”, “Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи”, “Намунали профилактика нозири” каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз бирлиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильмни суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзуида илмий-оммабоп рисола чоп этилади.

Мухтасар айтганда, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

**ЎзА**

Наманган Вилояти

## ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Наманган вилояти ҳокимлиги, вилоят Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида “Фермерлик ҳаракати — янги босқичда” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда вилоят Фермерлар кенгаши раиси Олимжон Исаев ва бошқалар таъкидлашганидек, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Фермерлар кенгашининг ташкил этилгани фермерлар дилидаги айни муддао бўлди. Айни пайтда Фармонда белгиланганидек, вилоят бўйича кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни олиб келиш ҳамда қурилиш ишларини ташкил этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят миқёсида қабул қилинган Дастурга мувофиқ 908 та фермер хўжалиги томонидан 923 та лойиҳа белгиланиб, жорий йилнинг 25 февралигача 155 та лойиҳа амалга оширилган. Бунинг натижасида 2 миллиард 747 миллион сўмлик инвестиция киритиш ҳисобига 419 та янги иш ўрни яратилган. Айниқса, Чуст, Поп, Косонсой, Янгиқўрғон туманларида фермерлар бозорлари ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлари томонидан ер майдонлари ажратилганлиги ва бу борадаги ишлар бошқа туманларда бошлаб юборилганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ўқув муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган фермерларнинг бир ҳафталик ўқувидан кўзланган мақсад ҳам фермер хўжаликларининг фаолиятларини ривожлантиришга ва иқтисодий самарадорликларини оширишга қаратилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

## Замонавий уйлар ва тафаккурдаги ўзгаришлар

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ ВА РАҲНАМОЛИГИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**



2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган, замонавий, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга якка тартибдаги уй-жойлар қуриш борасидаги ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари тавсияси билан якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари майдонини олти сотих этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилингач, бундай уйларга қизиқувчилар сони янада кўпайди.

2013 йил – Обод турмуш йилида мамлакатимиз бўйича 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги янги уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни 2012 йилдагига нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган. Янги қурилаётган массивларда ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда. Хусусан, “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган.

– Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури амалга оширила бошлагандан буён Жиззах вилоятида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 1115 уйнинг 168 таси бизнинг қишлоқ ҳудудида барпо этилди, – дейди “Учтепа” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Каттабек Қиёмов. – Бундай янги массивларнинг барпо этилиши нафақат қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартирди, балки яшаш учун қулай маскан сифатида унинг нуфузини ҳам ошириб юборди. Учтепада 2009 йилда намунавий лойиҳалар асосида йигирмата уй қурилган бўлса, 2010 йилда 43 уй, 2012 йилда эса 105 уй фойдаланишга топширилди.

– Янги уйлар билан бир вақтда массивимизда маҳалла гузари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, банк шохобчаси, автобекат, болалар майдончаси ҳам қуриб битказилди. Вилоят марказига автобуслар, такси мунтазам қатнаб турибди, – дейди янги хонадон соҳибаларидан бири Гулбаҳор Бегалиева. – Ҳозир яшаш жойимизни сўраганларга «шаҳарда турамиз», деб жавоб берсак ҳам ҳеч ким ажабланмайди. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйларимизнинг ташқи қиёфаси, қулайликлари шаҳардагилардан қолишмайди. Хоналари кенг, шинам, ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа зарур иншоотлар фойдаланиш учун ғоят қулай. Бундай замонавий уйларда яшашни илгари фақат орзу қилар эдик. Бугун мана шу орзуимиз рўёбини кўриб турибмиз. “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит бундай замонавий уйларга эга бўлиш учун катта имконият яратмоқда.

Қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан юртдошларимиз мамнун. Янги уй-жойга эга бўлишни истаган оилалар дастлаб қуриладиган уй нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди. Қолган сарф-харажатларнинг асосий қисми “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан берилаётган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланмоқда. Бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида тўлаб бориш тартиби юртдошларимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Бу юртимизда қисқа вақт ичида қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, қурилиш, муҳандислик-техник масалаларни қамраб олган замонавий салоҳиятга эга тизим яратилгани, қурилишни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизмлари пухта ишлаб чиқилгани натижасидир.

– Янги уйлар мустаҳкам пойдевор асосида пишиқ ғиштдан қурилмоқда, томи ҳам сифатли ва замонавий материаллар билан ёпилаётир, – дейди Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги Қирқдарҳон қишлоғида янги барпо этилган уйлардан бирида яшовчи Насимжон Санақулов. – Бундай уйларда барча шароит мавжуд. Ошхона, ҳаммом қурай деб ташвиш чекмайсиз, ҳаммаси ичкарида муҳайё. Шунинг учун ҳам янги уйларга талабгорлар кўп.

Одамларимизнинг уй-жойнинг қандай лойиҳа асосида барпо этилаётгани, қурилишда қандай материаллардан фойдаланилаётганига алоҳида эътибор қаратаётганида жон бор. Зеро, пойдевори мустаҳкам, пишиқ ғиштдан кўтарилган, томи металл ёки керамик черепица билан ёпилган уй нафақат кўркам ва шинам бўлади, балки бир неча авлодга хизмат қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимиз нафақат ўзимизга, балки кейинги авлодларимизга ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган қишлоқда уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишини жадал ривожлантириш дастури аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ долзарб масалани ҳал қилиш имконини ҳам бермоқда. Бугунги кунда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишида ўн минглаб юртдошларимиз меҳнат қилмоқда.

Кенг кўламдаги қурилиш ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Бу жараёнда мамлакатимиз саноат ва қурилиш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. “Ўзметкомбинат” акциядорлик бирлашмаси, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси, “Ўзмонтажмахсусқурилиш” уюшмаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси тасарруфидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, металлопрокат, ғишт, иситиш жиҳозлари ва ойна сингари маҳаллий қурилиш материаллари имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда.

Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга тушаётгани бу борадаги эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Юртимизнинг кўплаб ҳудудларида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган замонавий қурилиш материалларининг сифати хориж маҳсулотидан асло қолишмайди. Тадбиркорларимизга яратилаётган қулай шароит ва берилаётган имтиёзлар бу борада рағбатлантирувчи омил бўлаётир.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқда аҳоли турмуш даражасини ва маданиятини ошириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Дунё жамоатчилиги, мутахассислар ва чет эллик экспертлар Ўзбекистонда бу борада ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган дастурлар самараларини ҳар томонлама ўрганаётир.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига сармояларни жалб қилиш борасида имтиёз ва преференциялар яратиш, қишлоқда замонавий уй-жойлар барпо этишнинг қурилиш ва саноат корхоналарини жадал ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамияти борасидаги ноёб тажрибаси хорижда катта ҳавас уйғотмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг, энг муҳими, одамларимиз тафаккуридаги ўзгаришларнинг амалий ифодасидир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

Самарқанд Вилояти

## КЎРГАЗМАДА САРА САБЗАВОТ УРУҒЛАРИ ВА КАФОЛАТЛИ КЎЧАТЛАР

**Самарқанд шаҳрида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, бозорларда маъмурчилик, мўл-кўлчиликни таъминлаш, томорқаларга сара дарахт кўчатлари ўтқазиш ва сабзавот экишни ташкил этишга доир кўргазма ташкил этилди.**

— Вилоятдаги барча банклар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва мавжуд бозорлар билан ҳамкорликда аҳолини сифатли сабзавот уруғлари ва кафолатли кўчатлар билан таъминлаш йўлга қўйилди, — дейди Самарқанд вилояти Марказий банкининг бўлим бошлиғи Рашид Ниятов. — Кўкламнинг илк кунидан бошлаб экин экиш мавсуми давомида вилоятдаги барча тижорат банклари томонидан ташкил этилган 71 та кўчма автодўкон гуруҳларга бўлинган ҳолда қатъий белгиланган жадвал асосида маҳалла ва қишлоқларга бориб, аҳолини сифатли, арзон, кафолатли сабзавот уруғлари ва кўчатлар билан таъминлайди.

Эътиборлиси, вилоятдаги 3 минг 878 нафар кам таъминланган оилага уруғ ва кўчатлар бепул етказиб берилади. Автодўконлар етказиб бераётган кўчат ва уруғларнинг асосий қисми Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ҳамда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, вилоятдаги кўчат етиштириш тажриба хўжаликларидан олинмоқда ва ҳар бир кўчма дўкон терминал, тарози ва плёнкалар билан таъминланган. Бу кўчма дўконларда йигирма хилдан ортиқ кўчат ва сабзавот уруғлари, беш турдан зиёд қишлоқ хўжалиги асбоблари мавжуд.

Бу жараёнда жойлардаги маҳалла оқсоқоллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Акбар ҚАРШИЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**




Андижон Вилояти

## ИПАК ҚУРТИ ПАРВАРИШИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

**Қишлоқлар ободлигида, янги иш ўринлари яратишда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги меҳнат жамоаларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда “Андижон-пахта” ОАЖга қарашли Олтинкўл пахта тайёрлаш масканида қисқа муддатларда замонавий бинософлик талабларига тўла жавоб берадиган пиллахона ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиши якунланди.**

Марказлашган тартибда ипак қурти парвариш қилишга мўлжалланган бинода уруғликни жонлантиришдан тортиб пилла етиштиришгача бўлган жараёнлар узвий тарзда олиб борилади. Бир вақтнинг ўзида 50 қути ипак қурти парвариш қилишга шароит мавжуд. Сўнгра эса мавсум давомида 3 бор ипак қурти парвариш қилинади ва “кумуш тола” етиштириш ҳажми янада ортади.

Пиллахонага яқин даладан интенсив тутзор ташкил этиш учун туман ҳокимининг қарори билан 5 гектар ер ажратиб берилди. Туман пиллахонаси мутахассислари кўмагида Хитой ва Вьетнам селекциясига мансуб тут кўчатлари ўтқазишга ҳозирлик кўрилмоқда. Айтайлик, одатдаги усулда ҳар гектар ерда 4,5-6 минг тупгача тут парвариш қилинган бўлса, Хитой усулида ушбу кўрсаткич 12340 тупни ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, интенсив тутзордан олинадиган баргнинг тўйимлилиги юқори. Учинчи йилдан бошлаб меъёрдаги барг ҳосилини олиш бошланади.

“Олтинкўл кумуш толаси” масъулияти чекланган жамияти қошида хизмат кўрсатиш тармоғи ҳам мавжуд бўлиб, натижада аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратилган. Мижозларга ўнга яқин хизмат турлари таклиф этиш кафолати бор. Энг муҳим жиҳат шуки, мавсумий ва мунтазам янги иш ўринлари сони 225 тани ташкил этмоқда.

Яқин кунларда вилоят миқёсида шундай пиллахона ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари сони 20 тага етади.

**Қобилжон АСҚАРОВ**

Тошкент Вилояти

## «ЯШИЛ УЙЛАР» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

**Тошкент вилоятида иссиқлик қувватини иқтисод қилишга мўлжалланган “Яшил уйлар” лойиҳаси доирасида дастлабки қишлоқ уйининг қурилиши амалга оширилади.**

Тошкент вилоятида биринчи намуна тарзида қуриладиган яшил қишлоқ уйини лойиҳалаштириш ва молиялаш тўғрисидаги ҳужжатда белгиланишича, лойиҳани маблағ билан таъминлашга масъул “Қишлоққурилишбанк”, “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳалаш институтига тақдим этилди. Ўзбекистонда ижтимоий-маиший объектларнинг иссиқлик қуввати самарадорлигини ошириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Қишлоққурилишинвест” ташкилоти буюртмачи сифатида фаолият юритади.

Лойиҳа Германиянинг IWO ташкилоти тадқиқотчилари кўмагида ҳаётга жорий этилади.

**“Туркистон-пресс”**

Хоразм Вилояти

## ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲ ИШ УНУМИНИ ОШИРМОҚДА

**Урганч шаҳридаги “Мегасфера” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган йили 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ерда тайёрланаётган мебеллар харидорлар эътирофига сазовор бўлмоқда.**

Вилоятдаги кўплаб турар-жойлар, корхона ва ташкилотлар хоналари мазкур корхонада тайёрланаётган мебеллар билан жиҳозланаётганлиги сабабли унга бўлган талаб кун сайин ортмоқда.

Корхона цехларига яқинда Италиядан замонавий стуллар ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. Бу иш унумдорлигини 20 фоизга оширди. Эндиликда корхонада офис, ошхона, меҳмонхона ва хонадонларга мўлжалланган 20 турдаги мебеллар ҳам тайёрланмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

НаВоий Вилояти

## «ҚАЛДИРҒОЧ» – КЎКЛАМГА ПЕШВОЗ

**Кармана туманидаги янгидан ташкил этилган “Қалдирғоч” маҳалласи йил сайин обод бўлиб боряпти. Президентимизнинг 2009 йилдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида кейинги йилларда бу ерда 90 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиб, 90 оила ҳовли тўйларини нишонлади.**



Маҳалла идораси, милиция таянч пункти, дорихона, сартарошхона, тиббиёт муассасаси, новвойхона, спорт мажмуаси, ҳаммом, минимаркет, гўзаллик салони, интернет-клуб, минибанк, 216 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби ва мўъжаз бозор қисқа вақтда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

“Қалдирғоч” кўкламга пешвоз чиқди. Маржондек тизилган шинам уйлар атрофларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Маҳалланинг ҳар бир аъзоси мустақиллигимизнинг 22 йиллиги шарафига 22 тадан дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш ва бошқа кўкламги юмушларда фаол қатнашиш билан ҳудуд кўркига-кўрк қўшмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ**



# МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ ва МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ

***Юртимизда мустақиллик йилларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, уларни спортга ошно этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими эса биз спортни фақат ғалаба қозониш маҳсули эмас, балки руҳан камолга эришиш воситаси сифатида қабул қилдик. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган бу эзгу чора-тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда, албатта. Биргина ўзбек футболи эришаётган муваффақиятлар мисолида ҳам фикримиз ўз тасдиғини топади.***

Бу жараёнда Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорларга асосан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, футбол билан шуғулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган "Бунёдкор" стадиони бу каби эзгу ишларнинг юксак амалий ифодаси бўлди.

Ушбу янги иншоот билан танишган Президентимиз "Биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқмиз. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон Футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор", дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мухлислик маданиятининг ўзига яраша масъулияти ва мезонлари мавжуд. Бу масала бугунги кунда, айниқса, футбол атрофида долзарблигича қолмоқда. Боиси, дунё миқёсида футбол ривожлангани сайин у билан бирга турли хунук одатлар ҳам одимлаб келмоқда.

Очиғини айтганда, инсон тасаввур олами кенг ва мураккаб: у хаёл суради, фикрлайди, мулоҳаза юритади. Бу жараёнда янги мушоҳадалар шакллана боради. Аслида киши тасаввурини ўзгартириш учун кўп вақт керак, баъзан эса бир оний воқеа кифоя. Масалан, битта чиройли гол. Агар миллионлар ўйинига қизиқсангиз, таъкидлаб қўяйлик: футбол — ҳам спорт, ҳам санъат. Шу боис, футбол теварагидаги баҳслар, мунозара ва муҳокамалар, таклиф, эътироф, таскин ҳамда истаклар асло сусаймайди. Бинобарин, футбол ер юзидаги аксарият одамлар учун энг қизиқарли ўйин, энг кўнгилочар томошага айланиб улгурди. Энди улар майдонда тўпнинг шунчаки юмалашини кўриш учун эмас, балки гўзал ва шиддатли ўйинларни, ўйинчиларнинг ҳиссиётларини кўриш, англаш учун мусобақаларга келадиган бўлдилар.

Кейинги йилларда футболнинг катта бизнесга айланиб бораётгани ҳам маълум — ҳеч кимга сир эмас. Айтайлик, бугун қайси ўйинчининг баҳоси қанча эканлиги ҳақидаги баҳслар одат тусига кирган. "Энг қиммат ўйинчи", "Энг бой футбол клуби", "Энг бой футболчи" каби терминлар пайдо бўлдики, улар атрофидаги моддиятга мойил мақсадлар урчиши баробарида спортга, инсон қадр-қимматига путур етказадиган ҳолатлар юзага келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ана шундай манзаралардан бири футбол фанатлари билан гавдаланади.

"Фанат" сўзи лотинчада "кўр-кўрона ишонувчи", "асабий" деган маъноларни билдиради. Маълумки, моҳияти англанмай қилинган хатти-ҳаракат интиҳоси ҳар гал нохуш тугайди. Асабийлик эса шундай бошланади. Бугунги дунё футбол "фанат"ларини ҳам шу ҳолат ё тоифага менгзаш мумкинмикин? Ўхшаши йўқ оҳанг ва сандироқ қўшиқ сўзларига жазавага тушаётган "санъат шайдолари"ни кўп кузатгансиз. Хорижий юртлар, айниқса, Европа стадионларидаги "фанатлар" ҳам улардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Баъзилари яланғоч баданидаги турфа ёзув ва беўхшов татуировкаларни, бачкана безак ва тақинчоқларини шақирлатиб жунбушга тушади. Уларнинг асл мақсади нима экан, деган саволомуз ўй туғилади. Бу футболга муҳаббатми ё ўзаро тотувликка, ҳам спорт, ҳам санъатга айланган футбол жозибасига путур етказиш, турли низолар келтириб чиқариш мақсадида атай ўйланган усулми? Эҳтимол, бу бугун дунё бўйлаб шахдам одимлаётган "оммавий маданият"нинг мухлислик ниқоби остидаги ёлғон кўринишидир?

Дарвоқе, мухлис ким ўзи? "Мухлис" сўзи — "ихлос қўйган", "ишонган" деган маъноларни англатади. Ҳақиқий мухлис юксак маданият соҳиби бўлиб, айтайлик, севимли жамоасининг ғалабасини ҳам, мағлубиятини ҳам муносиб қабул қилади. У жазавага тушиб, бошини трибуналарга урмайди, унинг стадион ўриндиғида мавжудлигидан футболчиларнинг кўngли хира тортмайди, хавотирга тушмайди. Аксинча, футболчи тўп сурар экан, ўз мухлисини кўриб руҳи кўтарилади, вужудида ғалабага иштиёқ ортади, ортида Ватани, халқи борлигини ҳис этади. Шундай дамларда, албатта, ғалаба мухлис томонда бўлади.

Албатта, халқимизда мухлислик маданияти юқори шаклланган. Шундай экан, биз ҳақиқий миллий менталитетимизга хос мухлислик маданияти билан севимли жамоамизни қўллаб-қувватламоғимиз зарур. Зеро, айни шу каби маданият орқали ҳам бизни дунё танийди. Фақат бизгагина хос олийжаноблик, вазминлик ва мушоҳадакорлик, донишмандлик каби хислатларимизни спортда, хусусан, футболда ҳам қўлласак нур устига нурдир.

Мамлакатимизда футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида мухлислар жамоат тартиби ва ахлоқ нормаларига риоя этишлари, хусусан, спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, бошқа жамоаларнинг мухлисларига нисбатан қўпол муносабатда бўлмасликлари, атрофдагиларга хавф соладиган ҳаракатларни содир этмасликлари, шубҳали предметлар ва буюмларни кўрганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига хабар беришлари, давлат рамзларига, шунингдек, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси, клублар ва жамоаларнинг рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидалари"да ҳам ўз аксини топган.

Дарвоқе, юртимизда 2013 йилги футбол мавсумига старт берилишига ҳам оз муддат қолди. Ҳали бизда мавсум бошланмасиданоқ Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичларида баҳсга киришган "Пахтакор" ва "Бунёдкор" футбол клубларимиз дастлабки учрашувларда ғалабага эришиб, барча мухлисларимизни қувонтиришди. Демак, йил давомида ҳали мухлисларимизнинг ғалабали ҳайқириқлари янграйдиган онлари кўп бўлади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтайлик, мамлакатимизда футбол мухлислари учун барча қулайликлар муҳайё. Шаҳару қишлоқларимизда қурилаётган муҳташам спорт иншоотлари, футбол стадионларида томошабин-мухлислар учун энг қулай шароитлар яратилган. Эндиликдаги вазифа эса футбол клублари ва мухлислар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, стадионларда мухлислик маданияти тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, айни шу мақсад йўлида ёш ва баркамол авлодимизни ватанпарварлик, бағрикенглик, жўмардлик, вазминлик руҳида тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир. Биз яхши биламиз — боболонларимиз дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, ҳар бир хатти-ҳаракатлари замирида доимо фалсафийлик акс этган, илму маърифатли кишилар бўлган. Ҳаммамиз шуни ҳис этсак, шунга интилсак доимо тараққиётга, мудом ғалабага эришамиз.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**"Туркистон-пресс" мухбири.**

○ **Реклама ва эълонлар**

# БИОЎҒИТ МЎЪЖИЗАСИ — МЎЛ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТДА НАМОЁН

**Халқимизнинг турли ноз-неъматларга, саноатнинг хомашёга бўлган талаби тобора ошиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга кўпайтиришни тақозо этаяпти. Бугунги кун олдимизга ҳосилдорликни ошириш билан бирга маҳсулотларнинг экологик жиҳатдан соф бўлишига эришиш вазифасини қўймоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда илм-фан намояндалари ижодий изланиб, муҳим янгиликларни яратмоқдалар, амалиётчилар эса уларни ҳаётга татбиқ қилишмоқда.**

**ИЛМ-ФАН АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА**

Кейинги йилларда бутун дунёда биологик ўғитларнинг янада самарали, экологияга таъсир этмайдиган янги-янги турларини яратишга, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга эътибор кучайтирилмоқда. Замон талабига ҳамоҳанг равишда изланишлар олиб бораётган Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги Микробиология, Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институтлари олимлари бу борада эътиборга молик натижаларга эришдилар. Илм-фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш борасида "TBS GROUP" компанияси раҳбарияти, мутахассислари, ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Чирчиқда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган биологик ўғит самарадорлигини аниқлашда юқорида таъкидлаб ўтилган илмий муассасалар билан бир қаторда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги Пахтачилик, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар, Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари ҳам фаол қатнашдилар. Таҳлиллар биологик гумин ўғитларининг янги авлоди яратилганлигини кўрсатди. У шу турдаги бошқа биологик ўғитларга нисбатан кўпгина хусусиятларга кўра устунликка эга. Чунончи, унинг таркибидаги асосий таъсир кўрсатувчи моддалар – гумин ва фульвокислоталар миқдори торфга асосланган препаратлардагига нисбатан кўп. Яна бир асосий жиҳати Чирчиқда ишлаб чиқарилаётган биологик гумин ўғитини тайёрлашда экологик тоза маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Шу ва бошқа сабабларга кўра "UZGUMI" биологик ўғити бошқа препаратларга нисбатан икки ярим-уч баравар арзонлиги билан ажралиб туради.

Биологик гумин ўғити қишлоқ хўжалигининг қайси жабҳаларида, қандай қўлланилади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Ундан пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, картошкачилик, полизчилик, боғдорчилик-узумчиликда, нўхат, ловия, соя сингари дуккакли ўсимликларни етиштиришда фойдаланиш катта самара беради. Ушбу ўғит уч босқичда қўлланилади: биринчиси – чигит, ғалла, картошка, полиз экинлари уруғлиги, сабзавот ва дарахт кўчатлари, ток қаламчаларига ўғитнинг сув аралашмаси билан ишлов берилади. Иккинчиси – ўсимлик ривожланишининг дастлабки даврида ишчи эритма пуркалади. Учинчиси – экин гуллаш, шоналаш ва ҳосил тўплаш даврида яна бир бор биологик ўғитнинг сувда тайёрланган ишчи эритмасини пуркаш йўли билан ишлов берилади. Шу ўринда мисол тариқасида пахтачилик ва сабзавотчилик-полизчиликда мазкур биоўғитни қай тариқа қўллаш масаласига қисқача тўхталамиз: 0,7 литр препарат 10 литр сувга аралаштирилиб, бир тонна уруғлик чигитга ишлов берилади. Шоналаш даврида 0,3 литр препарат сувга аралаштирилиб, ишчи эритмаси тайёрланади ва пуркалади. Бунда гектарига 300 литр эритма сарфланади. Ғўза гуллаш даври бошида эса 0,4 литр препарат сувда эритма ҳолига келтирилади. Бу сафарги, яъни учинчи ишлов жараёнида ҳам гектарига 300 литр ишчи эритмаси меъёр ҳисобланади. Биологик ўғитнинг сабзавотчилик-полизчиликда қўлланилиши қуйидагича: 30 мл. препарат 10 литр сувга аралаштирилиб, сабзавот ва полиз экинлари уруғи 15 соат давомида ивитиб қўйилади. Қайд этилган миқдордаги эритма 10 килограмм уруғликка ишлов беришга етади. Иккинчи босқичда эса ўсимлик 3-4 та барг чиқарганида 0,4 литр препарат ишлатилиб, ишчи эритмаси тайёрланади ва экинга пуркалиб, барги орқали озиқлантирилади. Гектарига 300 литр ишчи эритмасини сарфлаш кўзланган натижани беради. Учинчи босқичдаги ўсимликка пуркаш орқали ишлов бериш гуллаш даврининг бошида амалга оширилади. Шу жараёнда 0,6 литр препарат сарфланиб, ишчи эритмаси тайёрланади ва пуркалади. Гектарига 300 литр ишчи эритмаси кифоя қилади.

Биоўғитнинг шундай тартибда қўлланилиши уруғликнинг бехато униб чиқишини таъминлайди, ўсимликнинг турли касалликларга ва ноқулай ташқи таъсирга чидамлилигини, тупроқ унумдорлигини оширади, пировард натижада юқори, сифатли ҳосил етиштирилишига замин яратади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ушбу биоўғитни қўллаш ҳосилдорликни пахтачиликда 10-20 фоиз, ғаллачиликда 15-25 фоиз, мева-сабзавотчиликда эса 30-50 фоиз кўпайтириш имконини беради. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган тажрибалар ҳам буни тасдиқлайди. Хусусан, Наманган вилояти далаларида ўтказилган тажрибалар, солиштиришлар жараёнида биоўғит қўлланилган пайкалларда назоратдаги майдонларга нисбатан ғўза 10,7 фоиз барвақт гуллаган, кўсаклар 10,5 фоиз эрта очилган. Ғаллачиликдаги кўрсаткичлар ҳам қувонарли. Масалан, Наманган туманидаги "Абдураҳим бобо" фермер хўжалигида 31,5 гектар майдонда буғдой етиштиришда ўсимлик туплаши даврида гектарига биоўғитнинг 0,3 литридан, найчалаш даври бошида 0,4 литридан тайёрланган сувли эритмаси пуркалган. Ғалла бошқа далалардагига қараганда 5-6 кун эрта пишиб етилган, ҳар бошоқдаги дон сони 4-5 та кўп бўлган. Шунинг ҳисобига ҳосилдорлик қарийб 70 центнерни ташкил этди.

Чирчиқдаги корхонада "UZGUMI" умумий белгиси остида ишлаб чиқарилаётган "Гумимакс", "Эдагум СМ" сингари биологик ўғитларнинг бошқа хусусиятлари ҳақида ҳам кўплаб далиллар келтириш мумкин. Уларни қўллаш кимёвий минерал ўғитлар, шу жумладан, азотли ўғитлардан фойдаланишни 20-30 фоиз камайтириш, тупроқнинг донадорлигини, унумдорлигини ошириш, энг асосийси, харажатларни пасайтириб, сифатли маҳсулотлар етиштиришга катта имконият яратади.

– Дастлабки пайтларда биоўғит йигирма литрлик идишларга қадоқланган ҳолда чиқарилаётган эди, – дейди "TBS GROUP" компанияси Бош директори Аҳмад Юсупов. – Унга бўлган талаб-эҳтиёжнинг турлича эканлиги бу масалага бирмунча ўзгартириш киритишни тақозо этди. Чунки кейинги пайтда деҳқон хўжаликлари, иссиқхоналар соҳибларининг биоўғитга бўлган қизиқиши ортди. Улар нисбатан кичикроқ идишларга ҳам қадоқлашни таклиф қилишди ва бу компаниямиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. У изланишни, янгиликлар киритишни, мукаммаллик сари дадил одим ташлашни талаб қилади. Мамлакатимизда мўл-кўлчилик яратилишига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил ҳаракат қилаётган "TBS GROUP" компанияси жамоаси ҳам деҳқонларга камарбаста бўлишга интилмоқда.

**Суннат САЙДАЛИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




АГРОМАШ
ИП ООО«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ОБЪЯВЛЯЕТ СКИДКИ НА СЛЕДУЮЩУЮ ТЕХНИКУ И ЗАПЧАСТИ:
— ЗАПЧАСТИ К ТРАКТОРАМ ЛТЗ-60, КОМБАЙНАМ ЕНИСЕЙ,
— ГУСЕНИЧНЫМ ТРАКТОРАМ Т-4, ДТ-75, ВТ-150 И Т.Д.
— 4-Х КОЛЕСНЫЕ МИНИ ТРАКТОРА ВТЗ-2048 И Т30-69;
— ЗЕРНОУБОРОЧНЫЙ КОМБАЙН ЕНИСЕЙ-954 И МНОГОЕ ДРУГОЕ;



КОЛИЧЕСТВО ОГРАНИЧЕНО.
ПО ВСЕМ ВОПРОСАМ ОБРАЩАЙТЕСЬ В ОФИС КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ КОНТАКТАМ:
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (02.05.2011 й., реестр № 0109849) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Рахимов Ровшан Баходировичга (ИНН 601970675) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "MASTER TASHKENT" (ИНН 206997070), зарегистрированное в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан (реестр № 1000, 23.04.2009 г.) объявляет, об уменьшении уставного фонда с 2 926 066,51 долларов США до 1 625 157,42 долларов США. Претензии принимаются в течение 2 месяцев по тел.: 279-61-71.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси илмий марказ тизимидаги Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станцияси директори Искандар Анорбоевга турмуш ўртоғи
**Турдигул НУРЛИБАЕВА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Давлат кимё комиссияси Ишчи органи жамоаси шу ташкилот бош ҳисобчиси Ғайрат Қобиловга волидаи муҳтарамаси
**ХУРСАНД ОНА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 236-56-25, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** Р.СУЯРОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-314, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
26077 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5